Зикрилла НЕЪМАТ

# КЎНГИЛ МЕҲР ИСТАБ ЯШАЙДИ



## САМАРҚАНД

Сиёб соҳилларин сархуш кездим мен,
Хаёлларим хаёлингта бўлиб банд.
Кезган сайин дилда меҳринг сездим мен,
Қадим Афросиёбимсан, Самарқанд.

Тош асридан гувоҳ — Замиччатошинг,
Омонкўтон — омон қолган тош бошинг,
Зирабулоқ — асрий оққан кўз ёшинг,
Ёшлар томган гулобимсан, Самарқанд.

Искандарга дарвозасин очмаган,
Қутайбага юртин ташлаб қочмаган,
Чингизларга қарши исён бошлаган —
Шижоату шитобимсан, Самарқанд.

Меҳвар айлаб сени мулки Туронга,
Темур бобом от солган кенг жаҳонга,
Сайқалдурсан ўзинг еру осмонга,
Гўзал юзли моҳтобимсан, Самарқанд.

Ғишти Зарафшондан бунёд этилган,
Ватан туроғидан обод этилган,
Ҳар варағи зар ва қондан битилган,
Бобомерос китобимсан, Самарқанд.

Аждодларнинг хазинасин сақлаган,
Улуғбекнинг юлдузларин асраган,
Таронаси олам узра янграган —
Олтин торли рубобимсан, Самарқанд.

Бошинг узра эсиб ҳурлик шамоли,
Кундан-кунга чирой очар жамолинг,
Боқий эрур юртим, бахту камолинг,
Мангу сўнмас офтобимсан, Самарқанд.

## ДУНЁГА КЕЛДИНГУ ...

Ҳар тонг уйғонмасанг дилда ишқ билан,
Булбулга жўровоз зўр қўшиқ билан,
Ёв келса, чиқмасанг қўлда тиғ билан,
Дунёга келдингу келмадинг нима,
Ё инсон бўлдингу бўлмадинг нима?!

Севсангу севганинг дардин сезмасанг,
Мажнун бўлиб дашту саҳро кезмасанг,
Ёр учун бир умр қалбинг эзмасанг,
Ишқида ёндингу ёнмадинг нима,
Ё ошиқ бўлдингу бўлмадинг нима?!

Эл дарди ўтмаса юрак-бағрингдан,
Ёвлар титрамаса ғазаб-қаҳрингдан,
Юраклар ёнмаса ёзганларингдан,
Туғёнга тўлдингу тўлмадинг нима,
Ё шоир бўлдингу бўлмадинг нима?!

Сўнгги дам ортингдан фарёд қолмаса,
Эзгу бир хотира, бир от қолмаса,
Инсоний номингдан исбот қолмаса,
Дунёга келдингу келмадинг нима,
Сен одам бўлдингу бўлмадинг нима?!

## КЎНГИЛ ҚОЛМАСИН

Кўл ё оёқ синса тузалгай бир кун,
Дарз кетган белни ҳам даволаш мумкин.
Меҳр кўзгусига дарз кетиб, лекин,
Беғубор дилларга ҳеч гард юқмасин,
Кўнгил совумасин, кўнгил қолмасин.

Дийдорнинг ғанимат эканин англанг,
Дўсту ёрлар изин тўтиё айланг,
Кўзнинг қаросидек асраб-авайланг,
Диллардаги меҳр ўти сўнмасин,
Кўнгил совумасин, кўнгил қолмасин.

Ақлнинг ўрнини жаҳл олса гоҳ,
Вужудингиз ғазаб ичра қолса гоҳ,
Қабоҳат лашкари қутқу солса гоҳ,
Адолат лашкари доғда қолмасин,
Кўнгил совумасин, кўнгил қолмасин.

Кимнингдир сўзлари синса-да, синсин,
Айрилиқ музлари синса-да, синсин,
Кўзмунчоқ кўзлари синса-да, синсин,
Аммо қалб дарз кетиб, ҳеч ўксинмасин,
Кўнгил совумасин, кўнгил қолмасин.

## МЕҲР ИСТАБ

Ажойибдир бу гўзал ҳаёт,
Меҳр истар бутун мавжудот.
Токи тирик экан одамзот,
Муҳаббатин қўмсаб яшайди,
Кўнгил меҳр истаб яшайди!

Дийдорлашар юлдузу ойлар,
Дарёларин туш кўрар сойлар,
Ошиқлар ёр йўлини пойлар,
Висол борки олам яшнайди,
Кўнгил меҳр истаб яшайди!

Қайлардасан, эй нозли ёрим,
Муҳаббатим, кўнгилда борим,
Соғиндим-ку, кел эй, баҳорим,
Сенсиз жоним, қалбим қақшайди,
Кўнгил меҳр истаб яшайди!

Боғларингда кезиб тўзонлар,
Бошланса-да барги хазонлар,
Ўтса ҳамки не-не замонлар,
Соғинч бир кун кўзни ёшлайди,
Кўнгил меҳр истаб яшайди!

Ғаниматдир ҳар кун, ҳар лаҳза,
Умр — ишқдан яралган майса,
Кимки унинг қадрин билмаса,
Сўнг бир умр бўзлаб яшайди,
Кўнгил меҳр истаб яшайди!

## СОҒИНЧ ДАРВОЗАСИ

Қизилқум қўйнидан ёр саси келди,
Она Бухоромнинг нафаси келди,
Кўкдан тўлин ойнинг шуъласи келди,
У сенингму илҳақ кўзинг, Бухором,
Соғинч дарвозаси — ўзинг, Бухором!

Кўк бирла сирлашур минораларинг,
"Моҳи хоса" кабиситораларинг,
Нақшинкор тоқларинг — дилюраларинг,
Сомон йўли — нурли изинг Бухором,
Олам остонаси — ўзинг Бухором!

Минораи Калон — қалбинг меҳвари,
Тарих ганжинасин ноёб гавҳари,
Талпиниб яшайдир мудом кўк сари,
Удир сенинг айтар сўзинг, Бухором,
Қуёшдай ёруғдир юзинг, Бухором!

Тупроқларин чангин кўзимга суртай,
Гумбазларинг гардин киприк-ла артай,
Сени соғинганим оҳ, кимга айтай,
Учарму сенинг ҳам кўзинг, Бухором,
Соғинч дарвозаси — ўзинг, Бухором!

Момоларим ётар мозорларингда,
Боболарим руҳи — озорларингда,
Гул ўстирар халқим гулзорларингда,
Гарчи кўп бағрингда тузинг, Бухором,
Тин билмас баҳор, ёз, кузинг Бухором!

Онамдек турарсан, йўлга кўз тикиб,
Мен учун гоҳ ипак, гоҳо бўз тикиб,
Соғиниб борурман ҳар гал энтикиб,
Айланайин сендан ўзим, Бухором,
Дилимдаги соғинч сўзим — Бухором!

Ҳамид НОРҚУЛ

# Тўхтама, иқболинг бўлар зиёда



## ЮРТДА ТОТУВЛИК БОР

*Осмондан нур сочган қуёшга балли,*
*Сўнг балли, элим деб тик турган Сизга.*
*Дунёнинг ишлари ўз йўлига ҳақ,*
*Юртда тинч-омонлик, шу керак бизга.*

*Балли, далаларга ризқини сочиб,*
*Деҳқоним нақадар яқинсан кўзга...*
*Бирови гапирса ўнтаси қуллаб,*
*Юртда тотувлик бор, шу керак бизга.*

*Бешикни от қилиб ўйнар чақалоқ,*
*Йўллари туташгай биз босган изга.*
*"Бир куни шу юртнинг марди бўлади"*
*Шундай ниятлар мўл, шу керак бизга.*

*Ўзбекнинг азалдан бир одати бор,*
*Қирқ йил салом берар тотиган тузга.*
*Кўксига байроқни ботириб олган*
*Марди-майдонлар кўп, шу керак бизга.*

## ЕТКАЗДИ

*Бу кўнгилнинг кутганларини*
*Соғинчдайин садо етказди.*
*Тополмайин топиб олдик биз,*
*Сизни асли фидо етказди.*

*Бизга армон симирмоқни-ям,*
*Сизга қошни чимирмоқни-ям,*
*Йўқотмасдан қидирмоқни-ям,*
*Вафо отлиқ адо етказди.*

*Бизлар пастда, сиз тахтда қолиб,*
*Кўнглингизга шўхликни солиб,*
*Ўртада бир муҳаббат юлиб...*
*Олдингизга гадо етказди.*

*Шамолчалик бўлолмадик гоҳ,*
*Қучоқ очиб, тўлолмадик гоҳ,*
*Кулиб туриб кулолмадик гоҳ...*
*Гул ҳидига жудо етказди.*

*"Бир қошиқ қон..." неча бор тикдик,*
*Ҳар қалай биз чин ошиқ эдик,*
*Васлингга етган кун дедик:*
*— Сизни бизга Худо етказди.*

## БЕШ КУНЛИК ДУНЁ

*Тилида юрганлар орамиздадир,*
*Ҳаммага ёқмоқнинг иложи ҳам йўқ.*
*Биламан, кимгадир суянчиқ бўлсам,*
*Кимнингдир кўксига мен қадалган ўқ!*

*Ёқмасам, ёнимга ўтирма майли.*
*Ёқтирсанг, қуёшга айланай гўё.*
*Бир парча ергача талашмоқ учун,*
*Олдимизда узун... беш кунлик дунё!*

## КЎКСИНГИЗГА...

*Кўксингизга тоғ ҳам ярашар*
*Ва бургутдай кўкда учмоқлик.*
*Тирговичга таяниб туриб,*
*Оймомони қиздай қучмоқлик.*

*Менинг эса йўриғим бошқа,*
*Аро йўлда гоҳо карахтман.*
*Йўлим топиб юрибман, лекин*
*Мен тирговичи йўқ дарахтман...*

## СИНОВ

*Ҳар кунинг — синовдан қолган фойдадир,*
*Тўхтама, иқболинг бўлар зиёда.*
*Боқ, лёв кетмоқда отдан тушганлар,*
*Отга миниб олган қанча пиёда.*

*Чархпалак дунёмас, чархпалак феълмиз,*
*Шу айтар гапимни яхшиликка йўй:*
*— Отга минганларга қўлингни берсанг,*
*Отдан тушганларга елканг тутиб қўй.*

## ЙИҒЛАЁТГАН ДЎСТНИ АХТАРИБ...

*Одил бува оламдан ўтди,*
*Саксон бирга қўйганди қадам.*
*Қолди фарзанд, қолди ҳовли-жой,*
*Қолиб кетди Мажид дўсти ҳам.*

*Дейдиларки, марҳум лаҳадга*
*Қўйилганда ҳеч ким йиғламас.*
*Бир ҳовучдан тупроқ тўкдилар,*
*"Яхши одам" дедилар холос.*

*Ортга секин қайтган одамлар,*
*Бир овоздан сесканиб тушди.*
*Йиғлаётган Мажид буванинг*
*Ўксигига нигоҳлар кўчди.*

*"О, дўстим-а, дўстим, дўстим-а..."*
*Бўғзидаги сўзи кесилди.*
*Саксон йиллик қадрдонликлар*
*Бир кафт тупроқ билан тўсилди.*

*Дўсти йўқлар елка қисишди,*
*Дўсти борлар бошин эгдилар.*
*Яна битта қабр устига*
*Хотиралар имзо чекдилар.*

*Тўп-тўп бўлиб қайтар жамоат,*
*Йўлда қолган излар бетартиб.*
*Ҳаммалари қайтмоқда гўё,*
*Йиғлаётган дўстни ахтариб...*

# ИНСОНГА ЭҲТИРОМ

Ёзнинг ўз гашти ва сурури бор. Юртимизда бу фасл ўзгача кечади. Қуёш осмон тоқининг энг тепасига кўтарилган туш чоғи деҳқон ҳам сув жилдираб турган ариқлар бўйидаги шийпончасида кетмонини ёнига қўйиб бир пас дам олади. Ёзги таътилга чиққан ўқувчилар, умр бўйи заҳмат чекиб ишлаган меҳнат фахрийлари тоғлар бағридаги соя-салқин оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришади.

Бўстонлиқ туманидаги Товоқсой сиҳатгоҳи ҳам ҳар доимгидек гавжум. Ушбу сиҳатгоҳда асосан меҳнат фахрийлари, кекса онахон ва отахонлар дам олишиб, ўз соғликларини тиклашади. Об-ҳавоси мўътадил сўлим табиат қўйнида жойлашган сиҳатгоҳни айланар экансиз, дам олувчиларнинг юз-кўзларида шукроналик туйғуларини сезасиз. Улар Нурали Юлдашев бош шифокорлик қилаётган сиҳатгоҳ меҳнат жамоасини қўл очиб дуо қилаётганини эшитасиз. Ижтимоий ҳимоя йилида инсон манфаатлари учун яратилаётган шарт-шароитлардан юртдошларимиз мамнун.



Е.БОТИРОВ олган сурат.

Ўтган жума куни Товоқсой сиҳатгоҳида бўлиб ўтган хайрия тадбирида ёзувчилар ва санъаткорлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов Конституциямизда инсон манфаатлари биринчи ўринга қўйилгани, шу боис мустақиллик даврининг ҳар бир йили шунга мос бўлган ўзига хос номлар билан аталаётгани, бу борада давлат дастурлари ишлаб чиқилгани ва амалга оширилаётгани ҳақида сўзлади. Онахон ва отахонларни яқинлашиб келаётган мустақиллик байрами билан қутлаб, Ватан ва озодлик мавзусидаги шеърларидан ўқиб берди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов қарияларга яратилаётган шарт-шароитлардан мамнунлигини изҳор этиб, машҳур саҳна асарларидан роллар ижро этди. Республика "Нуроний" жамғармаси раиси Эркин Боқибоев, Республика Маънавият тарғибот маркази раиси Минҳожиддин Хожиматов, Бўстонлиқ тумани ҳокими Қамбарали Эшонқулов ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, таниқли шоирлар Азим Суюн, Турсун Али, Темур Убайдулла Ватан, мустақиллик ва меҳр-муҳаббат мавзуида ўқиган шеърлар, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, хонанда Азамат Шарипов ижросидаги куй-қўшиқлар кўнгилларга завқ бағишлади.

**Рустам МУСУРМОН**

***Саксон ёшни қоралаган атоқли адибимиз Мақсуд Қориев ҳануз фаол ижод қилмоқда. Кейинги йилларда ёзувчи тарихий мавзуда бир неча асарлар яратди. «Сўғд ўғлони», «Ибн Сино», «Спитамен» тарихий романлари китобхонлар томонидан қизғин ўқилмоқда.***

***Яқинда адиб «Ғазнавийлар» номли тарихий романининг иккинчи китобини туғаллади. Қуйида эътиборингизга шу асардан парча ҳавола этмоқдамиз.***

*Мақсуд ҚОРИЕВ*

# БАЙҲАҚИЙНИНГ ЖАСОРАТИ

## Тарихий романдан парча

Салжуқийлар билан бўлган муҳораба ғазнавийларнинг мағлубияти ва амир Масъуднинг фожиали ҳалокати билан тугади. Амир Масъуд Ҳиндистон тупроғига қочиб ўтиб, ғариб бир бешада, чарчаб-ҳориб ухлаб ётган чоғида юзига ниқоб тутган номаълум кимсалар унинг оёқ-қўлларини боғлаб, қудуққа олиб бориб ташлаб устига тош-харсанг бостириб, азобли ўлимга маҳкум этдилар. Бу аянчли, шармандали ўлим Масъуднинг шаънига иснод бўлди. Бундай кўргулик амирнинг тушига ҳам кирмаган эди. У қўшин бошлиқларига, саркардаларига, ҳатто оддий лашкарларига ҳам "Мард майдонда, жангда ғозий бўлиши керак", деб қайта-қайта таъкидларди. Тақдир тақозоси билан мард майдонда шаҳид бўлмади, ғаламислар, сотқинлар қўлида ваҳшийларча ўлдирилди.

Ўз-ўзидан равшанки, бу хиёнаткорона ишни салжуқийлар қилмаган. Мард жангчилар бундай пасткашликка бормасди. Қотиллик амирнинг ўз атрофидаги ичи қора одамлар томонидан уюштирилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Масъудни айримлар ўз ўғли шаҳзода Мавдуд ўлдирган деса, бошқалар ҳарбий саркардалар ёки юқори лавозимда ўтирганлардан бирортасининг қўли бор, деб гумонсирар эди. Ғазнавийлар жангда мағлуб бўлганларидан сўнг, амир Масъуд қочиб бориб беркинган жойни ким билиши мумкин? Бу сир фақат амирга яқин кишиларга маълум бўлган-ку!

Турк қўшинларининг сардори Султон Маҳмуднинг ҳам, Масъуднинг ҳам садоқатли саркардаси Дамирхоннинг фиғони фалакка чиқди. "Шунчалик ҳам номардлик бўлурму, қайси аблаҳ бундай разилликка юз тутибдур, қани энди ўша сотқин қўлимга тушса, тилка-пора қилиб, гўштини итларга ташлаган бўлур эрдим", деб фарёд чекарди у. Эссиз-эссиз, бундай оғир жудоликка қандай чидайман, амирим, Сизсиз менга энди ҳаёт йўқ, деб юзларини юлар, гоҳо айюҳаннос солиб йиғларди. Эркак кишининг кўз ёшидан оғир нарса йўқ, айниқса, у чапдаст саркарда, паҳлавон йигит бўлса. "Агар ўша иблисларни топиб, қасос олмасам, Дамирхон номимни бошқа қўюрмен, йигит сўзим", деб қасамёд этарди у.

Масъуднинг акаси Муҳаммад ва унинг бола-чақаларини даштга олиб чиқиб, ваҳшийларча ўлдирилиши яна бир шов-шувга сабаб бўлганди. Шунчалик ҳам шафқатсизлик бўладими?! Майли, тахт вориси Муҳаммадни қатл этишсин, ёш гўдакларда, шўрлик хотинида не айб? Бундай қонхўрликка авом халқ нима дейди? Муҳаммад ва унинг бола-чақасини ўлдирган кимса Ғазна тахтида хотиржам ўтирган ҳукмдорнинг ишонган суюкли ўғли шаҳзода Мавдуд бўлса, бунга қандай чидаш мумкин?

Султон Маҳмуд вафотидан кейин юз берган бу қонли воқеалар бутун оламга донғи кетган ғазнавийлар салтанатининг ҳалокатидан далолат эмасмикан?

Мана, ғазнавийлар салтанатининг ҳувиллаб қолган ҳашаматли саройи. Бу даргоҳга не-не улуғ зотлар, амиру ҳоқонлар, буюк алломалар, шоиру фузалолар келиб кетмади дейсиз. Сарой шоирлар анжумани-ю олимлар суҳбати, машҳур ҳофизларнинг файз-таровати билан обод ва гавжум эди.



Ғазнавийлар салтанати тарихида ўчмас из қолдирган машҳур тарихнавис Абулфазл Байҳақий ўз хонасида ўтирарди. Э-ҳе, бу қутлуғ даргоҳга у келганидан бери қанча йиллар ўтиб кетди. Ёш, норғил йигит эди ўшанда. Қаранг, соқол-мўйлабларига оқ ҳам тушибди. Ёзган ашъорлари, кечани кундузга улаб қилган меҳнатлари Яратгангагина маълум. Йигитлигининг қайноқ даври шу даргоҳда кечди. Унингдек садоқатли, ишбилармон, ҳар қандай юмушларга ҳозиру нозир дастёр камёб. Бироқ не кунлар бошига тушмади унинг. Саройдаги носоз муҳит боис, ҳукмдорларнинг қаҳр-ғазабига учради, бир сафар қамоқ жазосига ҳам ҳукм этдилар. Ҳаммасига чидади — Султон Маҳмудга ҳам, амир Масъудга ҳам садоқат билан хизмат қилди. Ҳарқалай, умри бекор ўтмади, кўрган-билганлари, эшитганларини битта қолдирмай қоғозга туширди, кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган солномани битиб, авлодларга қолдирди. Вазир Ҳасан Майвандийнинг дорга осилиши, амалдорларнинг кирдикорлари, адолатпарвар вазирларнинг саховати ғазнавийлар бобокалони Сабуқтегин, Маҳмуд Ғазнавий, амир Масъуд ва сўнгги ғазнавийларнинг подшоҳлик давридаги воқеаларни бир-бир қаламга олди.

Абулфазл добирлик илмини мукаммал ўзлаштирган, мадраса кўрган олим эди. Добирликни энг шарафли ва ўта масъулиятли касб, деб ҳисобларди. Добир Қуръони карим ва пайғамбаримиз ҳадисларини пухта билмоғи, боз устига, ҳуснихатни эгаллаши, ғазал санъатидан ҳам хабардор, нотиқ бўлиши зарур. Абулфазл Байҳақий шу илмларни тўла эгаллаган аллома эди. У умрини бекор ўтказмади. Девондаги ишлари бошидан ошиб ётган бўлса ҳам, вақт топиб бебаҳо илмий-тарихий асарлар битди: "Китоблар зийнати", "Сабуқтегиндан султон Иброҳимгача бўлган давр тарихи", "Тарихлар мажмуи", "Сабуқтегин тарихининг сайланмаси", "Масъуд тарихи" ёки "Байҳақий тарихи"...

Мана энди шу нотинч кунларда ҳам Абулфазл ўзининг тор ҳужрасида қоғозга кўмилиб, хаёл суриб ўтирар, бу суронли воқеалардан боши қотган, баъзан қўли, юраги чидамайди ёзишга. Аммо ўзини қўлга олиб, ишга тутинади. Ахир, бу битиклар келажак авлодга мерос қолади-ку!

Аллома осойишта даврларда ҳам, ҳинд юртига юриш чоғида ҳам раҳматли Султон Маҳмуд ва амир Масъуднинг барча юмушларини астойдил адо этди. Фақат ҳақиқатни қоғозга туширди.

Байҳақийнинг Амир Масъудга эътиқоди баланд эди. Шаҳзодага инсоний фазилатлар, олимлик салоҳияти бегона эмас, дарвоқе, золимлиги ҳам бор эди. Масъуд худди алломаи замон Берунийнинг шогирдидек, талабасидек атрофида гирдикапалак бўларди.

Масъуд ҳақидаги фикрларини у ҳали қоғозга туширмаган. Добир Масъуд билан ўтган дамларини, саодатли кунларини эслади. Шаҳзоданинг кулиб туришлари, бирор нарсадан кўнгли тўлмай қолса, куйиниб сўзлашлари, жаҳли чиққанда зарда қилишлари, ҳатто бурролаб сўкинишлари — ҳамма-ҳаммаси унинг ёзув дафтарига тушган. Шу дамда Масъудни эслаб, унинг фожиали ўлим ёқасидаги аянчли ҳолати кўз олдига келиб, Байҳақийнинг юраги ачишди. Унинг руҳига Қуръон тиловат қилди.

Қуръонни ҳеч ким Абулфазлдек маромига етказиб қироат қила олмасди. Агар уни уйқусидан уйғотиб, фалон сурадаги фалон оятда нима дейилган, деб сўралса, ўша дамдаёқ у шариллатиб айтиб, ҳатто тафсирини ҳам сўзлаб бера оларди.

Бир куни у шаҳзода Масъудга Қуръоннинг баъзи сураларидаги оятлар мазмунини тушунтириб, изоҳлаб берди:

— Борлиқ икки қарама-қаршилик, бир-бирига зид жуфтлик: Раҳмон билан шайтон, эзгулик ва ёвузлик, нафс билан қаноат, оқиллик билан нодонлик, хурсандчилик билан ғам, ўт билан сув, эркак ва аёл, иссиқлик билан совуқлик, ҳаёт ва мамот, ёруғлик ва қоронғуликдан иборат. Бу жуфтликларни яна давом эттириш мумкин. Зеро, ана шу бир-бирига қарама-қарши жуфтликлар узлуксиз курашиб, бу дунё ишларини ҳаракатга келтиради. Мен сизга шуни алоҳида таъкидламоқчиманким, агар ана шу азалий курашда мазкур жуфтликлар бўлмаса эрди, наинки бу ёруғ дунё, ҳатто инсон деган буюк зот ҳам бўлмасди. Мантиқан оддий бир мисолни келтирай. Магарки, бу дунё фақат қоронғуликдан иборат бўлса, ҳаёт бўлмасди. Ёки, аксинча, фақат ёруғлик бўлса ҳам худди шундай. Кеча билан кундузнинг алмашиб туриши, Ой билан Қуёшдек улкан сайёраларнинг бир сония тиним билмасдан ўз фазоларида ўта нозик интизом билан айланишлари Яратганнинг қудратига далолат эмасму!

Шаҳзода Масъуд Байҳақийга ташаккур айтди. Шундан сўнг бир неча бор унинг ҳузурида бўлганида ҳам, Абу Райҳон Беруний билан суҳбат қурганида ҳам Қуръон ва унинг оятлари хусусида икки буюк аллома ўгитларини тинглаб, ўзига тегишли хулосалар чиқарарди.

Байҳақий орзу қилардики, игна билан қудуқ қазигандек, кечани кундузга улаб ёзган битиклари, Оллоҳ насиб этса, авлодларга улкан бир тарихий китоб бўлиб қолгай. Девон юмушлари, салтанатнинг турли томонларига юбориладиган расмий ҳужжатлар дейсизми, кундалик ёзишмалар-у ҳукмдорнинг қўшни давлатларга, машҳур арбобларга йўллайдиган мактублари дейсизми — ҳаммаси шу мушфиқ, меҳнаткаш добир ва олим, ҳассос муаллиф қўлидан ўтарди. Баъзида Байҳақий бирор юмуш билан саройдан узоқроқ кетса, ҳукмдор сўраб қолиб, ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетарди. Ҳа, Байҳақий саройнинг энг керакли кишиси эди. Раҳматли Султон Маҳмуд ҳам, амир Масъуд ҳам унга жуда-жуда ишонар, уришсалар ҳам, сўксалар ҳам, кейинча ўша озорларини унинг кўнглидан чиқаришарди.

Абулфазлни девондагилар ҳам беҳад қадрлашар, унга иззат-икром кўрсатишарди. Сарой бош мирзоси Абу Наср Мишкон вафотидан сўнг Абу Саҳл Завзаний бош мирзо лавозимига ўтиргач, Байҳақий вазирга яқинлиги боис, Завзаний унга кун бермади. Арзимаган нарсадан айб топиб камситар, ишлагани йўл бермасди. Ҳасан Майвондий дорга тортилгандан кейин, хожа Завзаний унинг бошини табаққа солиб келиб, улфатлари ҳузурида мақтангани унинг нақадар разил, пасткашлигини кўрсатди. Ўшанда аъёнлардан бири: "Бу одам ҳажга бориб келди-ю, баттар расво бўлди, баччағар", деган эди.

Кейинги вақтларда Завзаний Байҳақийни таъқиб этадиган одат чиқарди. Баъзан Абулфазл бир жойга иш билан кетса, хонасига кириб нарсаларини титкилар, яшириб қўйган қўлёзмаларини қидирарди. Бир сафар Абулфазл юмуш билан кетиб, тезда қайтди ва Завзаний унинг ўриндиқларини у ёқ-бу ёққа ағдариб, қўлёзмаларини титаётгани устидан чиқиб қолди. Завзаний: муҳрни ахтараётган эдим, уни қайга қўйган эдингиз, дея баҳона қилди. Шундан кейин Байҳақий ёзган ашъорларини темир сандиғига солиб, қулфлаб кетадиган бўлди. Завзаний тез-тез Абулфазлни ҳузурига чақириб, "Бўлар-бўлмас нарсаларни ёзиб юра берманг, энди кўпроқ амир Масъуднинг буюк, оламшумул ишлари-ю, ибратомуз жасоратлари ҳақида ёзинг", деб уқтирарди...

Байҳақийнинг бундай қалтис замонда ҳақиқатга хилоф иш тутмай, борини рўй-рост ёзиб қолдирган китоблари авлодларга мерос, ҳам чинакам жасорат намунаси бўлиб қолди.

# БАДИИЙ ТАРЖИМА: МУАММО ВА ЕЧИМ

*Акс садо*

Жаҳон цивилизацияси тарихида XX аср таржима асри деган ном олди. Минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек таржимачилиги ҳам ўтган асрда катта натижаларга эришди, жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари билан халқимизни таништирди. Чўлпоннинг Шекспирдан ("Ҳамлет"), Усмон Носирнинг Лермонтовдан("Демон"), Ойбекнинг Пушкиндан("Евгений Онегин"), Эркин Воҳидовнинг Гётедан("Фауст"), Абдулла Ориповнинг Дантедан("Дўзах"), Қодир Мирмуҳамедовнинг Ҳомердан("Илиада") қилган таржималари адабиётимиз тарихида муҳим воқеалар бўлди.

Мустақиллик бадиий ижоднинг барча жабҳалари каби таржимага ҳам кенг йўл очди, таржимонларимиз учун жаҳонга чиқиш имконияти яратилди. Ўтган ўн олти йил ичида ижоднинг тасвирий санъат, мусиқа ва қўшиқ турлари бўйича жаҳон майдонига чиқдигу, бадиий ва таржима асарлари яратиш борасида жаҳон адабий жараёнида ҳали ўрнимизни тополганимиз йўқ. Таржима амалиётидаги айрим ютуқлар("Жаҳон адабиёти" журнали фаолияти)ни ҳисобга олмаганимизда, китобхонни қувонтирадиган йирик асарлар тилимизга таржима қилинмади. Таржимашуносларимиз сўнгги йиллари ФИТнинг Москва(1993), Лондон(1995), Гёттенген(1996), Мелбурн(1998) конгрессларида иштирок этмади, таржиманинг назарий муаммоларига бағишланган йирик монографик тадқиқотлар яратилмади.

Хайрият, севимли газетамиз "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" таржима амалиёти ва таржимашунослик илмидан баҳс юритувчи "Давра суҳбати"ни уюштириб, ижод ва илм аҳлини сергак торттирди.

"Давра суҳбати"да Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг (адибнинг "Рамаяна" достони, Р.Бёрнс ва Байрон ижодидан қилган таржималари китобхонлар ёдида) "Биз ҳам режали равишда ўзбек адабиётининг хорижий тилларга таржима этилиши мумкин бўлган асарлари рўйхатини тузиб, Ёзувчилар уюшмасида муҳокамадан ўтказиб, уларнинг хорижий тилларга таржимасини моддий қўллаб-қувватлашни сўраб ҳукуматимизга мурожаат қилишимиз лозим", деган таклифи ўринлидир. Дарҳақиқат, Франция, Олмония, Англия, АҚШ, Ҳиндистон элчихоналари ўз фаолиятларини бошлаган дастлабки йилларданоқ юртида машҳур бўлган адиблар асарларини ўзбек тилига таржима қилдириш, ўзбек мактаблари учун инглиз, немис, француз тилларидан дарслик ва луғатлар яратиш ташаббуси билан чиққандилар. Айниқса, бу борада Олмония элчихонаси қошидаги Гёте институти, Франция элчихонаси ҳузуридаги Марказий Осиё тадқиқотлари институти ва Виктор Гюго марказларининг ташаббускорлик фаолиятини олқишламоқ керак. Масалан, Тошкентдаги Франция элчихонасининг қўллаб-қувватлови билан ўтган йиллар ичида машҳур француз адибларидан Волтернинг "Задиг", Ф. Мориакнинг "Илонлар чангалида", Монтескёнинг "Форс номалари", Ле Клезионинг "Мондо ва бошқа ҳикоялар" ва Шарл Перронинг "Эртаклар" китоблари ўзбек тилига таржима қилинди; ўрта мактаблар учун "Француз тили" дарсликлари яратилди. Айниқса, сўнгги йиллари таниқли француз тилшуноси Руми Дор раҳбарлигида яратилган "Ўзбекча-французча луғат" ва "Французча-ўзбекча луғат" муҳим воқеа бўлди. Демоқчиманки, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари ҳам атоқли адибларимизнинг асарларини чет тилларига таржима қилиниб нашр этилишига қизиқсалар, ишга хориждаги адабиётимиз ихлосмандларини жалб этсалар, кўнгилдагидек бўларди. Элчихоналаримизнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракати эса, мунаққид Сувон Мели таъкидлаганидек, адабиётимизнинг хорижда ҳам ўз бўй-бастини кўрсата олишига имкон яратган бўларди.

"Давра суҳбати" иштирокчилари "Жаҳон адабиёти" журнали фаолиятини қўллаб-қувватлаганлар. Бу — тўғри. Сўнгги ўн йил ичида журнал ўзбек



ўқувчиларини жаҳон адабиёти намуналари билан таништиришда самарали фаолият кўрсатди. Шу ўринда атоқли адабиётшунос ва моҳир таржимон, устоз Озод Шарафиддиновнинг ташаббускорлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Бундан буён севимли журналимиз жаҳон адабий жараёнида кечаётган муҳим ўзгаришлар, авангард оқим ва мактаблар, таржима амалиёти ва назариясига доир мақолаларни ҳам ўз саҳифаларида эълон қилиб борса маъқул бўларди. Журнал ўз номи билан "Жаҳон адабиёти", шундай экан, у ўз саҳифаларида дунё адабиётида ном қолдирган, бугунги адабий жараёнда яловбардорлик қилаётган, қолаверса, адабиёт соҳасида халқаро Нобел мукофотига сазовор бўлган адиблар асарларининг аслиятдан таржималарини мунтазам бериб бориши даркор. Баъзан биз ўз ватанида танилиб улгурмаган, жаҳон адабиёти майдонида номи чиқмаган ёзувчилар асарларининг таржималарини ҳам ўқиб қоламиз. Ваҳоланки, бугунги ўқувчи, айниқса, талаба-ёшлар инглиз, француз, немис адабиётилари классик адибларининг, лотин америкаси адабиёти намояндалари Хорхе Луис Борхес, Гарсиа Маркес, Умберто Эко, Хулио Кортасар асарлари таржималарини ўқишни истайди. Қанийди, журналда Гегел, Киеркегор, Ницше, М.Бахтин, Р.Барт, Хосе Ортега-и-Гассет, М.Ҳайдеггер, А.Ф.Лосев ва бошқаларнинг адабиёт, адабий жараён ҳақидаги фикрлари ҳам бериб борилса.

Яна бир гап. Ўтган йили "Жаҳон адабиёти" журналида ўрта аср француз шоири Франсуа Вийон, инглиз ва америка романтизм адабиёти яловбардорлари Жорж Байрон ва Эдгар По ижодидан намуналар берилди. Аслият ва русча таржима матнларидан бехабар ўқувчи юқоридаги таржималарни ўқиб Вийон, Байрон, Эдгар По шундай ёзган экан-да, дея кўникма ҳосил қилди. Бироқ бу таржималарни асл нусха ва русча таржима матнлари билан солиштирганимизда шоир-таржимонларимизнинг нечоғли эркин ҳаракат қилганликларини, асл нусхадан нақадар узоқлашиб кетганликларини кузатамиз. Тўғри, шеърият таржимасида таржимон муаллифнинг рақибига айланади, деган гап бор. Лекин буни таржимон она тилида асл нусха матнига ҳамоҳанг шеър ёзса бўлди, қабилида тушунмаслик керак.

Эдгар Понинг "Буюк Темур"(Tamerlan,1827) поэмаси рус шоири Валерий Брюсов таржимасида қуйидагича жаранглайди:

**Заката сладкая услада!**
**Отец! я не могу признать,**
**Чтоб власть земная — разрешать**
**Могла от первой казни ада.**
**Куда пойду за гордость я**
**Что спорить нам: слова пустые!**

Миразиз Аъзам таржима қилади:

**Таскин, жон таслимин енгиллатолмас.**
**Отахон, шу топда юпатиш нега?**
**Сизнинг бу, Ердаги сўзлар келмас бас**
**Жаҳаннамнинг одил жазоларига.**
**Биламан, дўзахбоп такаббурлигим,**
**Қўйинг, ўгит берманг, мени кўп қийнаб.**

Жорж Байроннинг "Ўттиз олти ёшга тўлган таваллуд кунимда" (On this Day I complete my Thirty-sixth year, 1824) шеъри З. Морозкина таржимасида бундай жаранглайди.

**Других не властный волновать,**
**Я сам бесстрастен должен быть**
**Но и без отклика, опять**
**Хочу любить.**

Таржимон Абдул Ҳамид юқоридаги сатрларни қуйидагича ўгирган:

**Кундан-кунга яқин интиҳо,**
**Эсар фасли хазон еллари**
**Қаро қабр кутар оч, юҳо,**
**Бағримда тек армон унлари.**

Шоир Миразиз Аъзам таржимани рус тилидан қилган. Бироқ Абдул Ҳамид шеърни қайси тилдан ўгирганини айтмаган. Ҳар иккала таржима ҳам асл нусха ўрнидаги русча матндан нақадар узоқлашиб кетгани кўриниб турибди. Биз, балки Абдул Ҳамид ўз таржималарини аслиятдан қилганмикан, деган фикрга бориб юқоридаги тўртликни инглиз тилидаги матн билан солиштирдик. Бироқ унинг инглизча матндан ҳам йироқлиги яққол кўринади. Инглизча матнда ҳам шеър худди русча таржимадаги мазмун ва кўринишга эга:

**"This time this heart should be unmoved,**
**Since others it hath ceased to move:**
**Yet, though I cannot be beloved,**
**Still let me love!**

Хулоса шуки, эндиликда бевосита аслиятдан таржима қилишга ўтмоғимиз керак. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида илк бевосита таржималар пайдо бўлганди. Гётенинг "Ёш Вертернинг изтироблари" ва Б.Апицнинг "Қашқирлар чангалида" романлари Янглиш Эгамова, "Ғарбу Шарқ девони" Садриддин Салимов, Виктор Гюгонинг "Шарқ куйлари" тўплами Шарофат Ботирова томонидан бевосита таржима қилинганди. Шоирларимиз Жамол Камол ва Абдулла Шер ҳам Шекспир ва Байрон драмаларини таржима этишда аслиятдан имкон қадар фойдаланиб иш кўрган эдилар. XXI асрга қадам қўйган эканмиз, бу бошланган хайрли иш жуда суст кечаётгандек назаримизда. Ваҳоланки, таржимашунос Зуҳриддин Исомиддинов сўзи билан айтганда, чет эл адабиётидан таржима қилиш энг авж оладиган замон келди.

Давра суҳбати иштирокчилари иккитилли луғатлар ва таржима амалиётига доир дарслик ҳамда қўлланмалар танқислиги ҳақида айтган фикрлар ҳам тилшунос олимларимиз фаолияти билан бевосита боғлиқ, деб ўйлайман. Инглиз, немис, француз тилшунослиги бўйича республикамиз олий ўқув юртларида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида лексикография (луғатшунослик) соҳасининг билимдонлари ҳам бор. Бироқ сўнгги йилларда профессор Қудрат Мусаевнинг "Таржима назарияси асослари"(2005) дарслигини, профессор Жамолиддин Бўронов таҳрири остида чиққан "Инглизча-ўзбекча луғат" (2001) ва профессор М.Умархўжаев раҳбарлигида яратилган "Немисча-ўзбекча фразеологик луғат"ни ҳисобга олмаганимизда, бошқа йирик ҳажмдаги луғат ёки дарслик яратилмади. Олий ўқув юртларида ҳамон В.К.Мюллер ("Англо-русский словарь"), К.А.Ганшина ("Французко-русский словарь") ва О.И.Маскалская ("Немецко-русский словарь") раҳбарлигида тузилган йирик ҳажмли луғатлар инглиз, француз, немис тилларини ўрганиш ва ўргатишда асосий манба вазифасини ўтаб келмоқда.

Ёзувчи Омон Мухтор ва мунаққид Сувон Мели ўзбек адабиёти салафлари Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ойбек асарларининг жаҳон тилларида мукаммал таржималари йўқлиги ҳақида куйиниб айтганлар. Ҳақиқатан ҳам, "миллий адабиётимиз даҳоси Алишер Навоий ижодини жаҳон бадиий ва илмий контекстида ўрганиш пайти келди"(Сувон Мели). Бу ишни эса хорижий тилларни мукаммал билувчи таржимон ҳамда навоийшунос олимлар иштирокидагина амалга ошириш мумкин. Дарвоқе, ҳазрат Навоий "Хамса"си ҳам ўтган асрларда Ҳомер, Фирдавсий, Руставели, Данте, Сервантес, Рабле, Шекспир, Гёте ва Пушкин асарлари сингари жаҳон тилларига хўб ва кўп таржима қилинганда эди, бобокалонимиз асарлари ҳам дунёга кенг ёйилган бўлармиди. Масалан, грузин шоири Шота Руставелининг жаҳон адабиёти майдонига чиқишида академик Ш.И.Нуцубидзенинг хизмати катта бўлган. Олим шоирнинг "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" достонини грузин тилидан русчага қойилмақом таржима қилиш билан бирга, ўзининг "Шота Руставели и Восточный Ренессанс" номли мазмундор монографиясини ҳам нашр эттирган эди. Менингча, ишни дастлаб ҳазрат Навоий шахсияти ва бадиий мероси билан жаҳон адабий жамоатчилигини яқиндан таништиришдан бошламоқ лозим. Бунинг учун, аввало, В.В.Бартолд, Е.Э.Бертелс, В.Зоҳидов, Ҳ.Сулаймон, С.Н.Иванов, А.Ҳайитметов сингари олимларнинг Алишер Навоий меросига бағишланган тадқиқотларини инглиз, немис, француз ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиб, нашр эттирмоқ керак. Зеро, хорижда ҳам ҳазрат Навоий меросининг бадиий қиммати ва моҳиятининг туб илдизларини тушуниб етсинлар.

Яна бир масала. "Давра суҳбати"да тилшунос Аббос Ирисқулов таъкидлаганидек, "универсал, ҳамма жанрни бир хилда пухта биладиган, бу жанрлардаги асарларни профессионал даражада таржима қила оладиган таржимон"нинг етишиб чиқиши мумкин эмас. Бас, шундай экан, таржимон ва таржимашуносларни асосан икки йўналишда: бадиий ва касбий(аниқ) таржима(илмий-техник матнлар таржимаси, синхрон таржима, тилмоч ва ҳоказо) ихтисослиги бўйича тайёрлашга эътиборни қаратмоқ лозим. Республикамиз университетларининг филология факултетларида биринчи йўналиш (филология дастури), Жаҳон тиллари университети, Самарқанд чет тиллар ва Андижон тиллар институтида эса иккинчи йўналиш(лингвистика дастури) бўйича таржимон ва таржимашунослар тайёрлашга киришмоқ мақсадга мувофиқдир.

"Мана, янги XXI асрнинг илк йилларидамиз. Ўжар бир савол кўндаланг туради: янги асрда ўтган асрда эгалланган чўққиларни эгаллай оламизми... Ваҳоланки, эгалланган чўққиларни қайта эгаллаш у қадар завқ бермайди. Вазифа — шу юксакликка таянган ҳолда янги чўққиларни забт этиш", деб ёзади адабиётшунос Сувон Мели. Дарҳақиқат, бу ижодий муваффақиятларга эришувда таржиманинг ўрни нақадар беқиёслиги ўз-ўзидан маълум. Қолаверса, бугунги кунда таржима тилларaро ва маданиятлараро коммуникацияга киришувнинг асосий омилларидан биридир. Бир сўз билан айтганда, "таржима миллатни жаҳонга танитади", халқаро глобаллашув жараёнида бевосита иштирок этишимизга кенг йўл очиб беради.

**Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ, профессор**

*Самарқанд.*

Носир ҚАМБАРОВ:

# ИМКОНИЯТЛАР ЗАМОНИ

***Суҳбатдошимиз олим ва таржимон Носир Қамбаров бир неча йилдан бери Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг таржимонлик факултетига раҳбарлик қилиб келаётир. Таржима назарияси ва амалиётидан талабаларга билим бериш билан бирга, у ўзбек адабиётининг мумтоз асарларини инглиз тилига таржима қилади. 2004 йили ҳазрат Алишер Навоий "Лисон ут-тайр" достонининг 1991 йили нашр этилган насрий баёни асосида у канадалик олим Гарри Дик билан ҳамкорликда амалга оширган инглизчага таржимаси нашр қилинган эди. Айни пайтда Н.Қамбаров улуғ шоирнинг "Садди Искандарий" достони, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ва Тоҳир Маликнинг "Сўнгги ўқ" қиссасини инглиз тилига таржима қилаётир. Шу билан бирга, инглиз тилидан ўзбек тилига таржиманинг лингвистик муаммолари мавзуида илмий-тадқиқот олиб бораётир.***



**— Илмий изланиш билан бадиий таржимани бирга қўшиб олиб бориш оғирлик қилмайдими? Ҳарқалай, бу анча вақт ва куч талаб қилса керак?**

— Албатта. Лекин бу икки йўналиш бир-бирини тўлдиради, бири иккинчисини тақозо этади. Чет тилидан она тилимизга таржима қиладиган ижодкор учун таржимачилик сир-асрорларини пухта билиш талаб этилганидек, ўзбекчадан, дейлик, инглизчага ёки испанчага таржима қиладиган мутаржимдан ҳам ўша тиллар қонунияти, табиати ва бошқа кўп жиҳатлари ҳақида теран назарий билим, малака талаб этилади. Бунга мен илмий, ижодий тажрибамда кўп марта гувоҳ бўлганман.

**— Таржимонлик ҳам машаққатли, ҳам масъулиятли ижодий иш. Сизнингча, таржимоннинг энг асосий, етакчи хислати нима билан белгиланади?**

— Менингча, бадиий дид таржимон учун бирламчи хусусият. Яхши асарни ўртамиёна асардан ажрата оладиган, асар танийдиган таржимоннинг меҳнати зое кетмайди. Яна бир ўта муҳим хусусият — санъаткорлик. Тил билган ҳар қандай мутахассис таржимон бўлолмаслиги мумкин. Таржима қилмоқчи бўлган асарнинг фақат бадиий савиясини эмас, балки муаллифнинг жаҳон адабиётидаги ўрнини, унинг ижоди халқимиз учун маънавий бойлик бўла олишини, қолаверса, ўзи танлаган асарнинг руҳини яхши тушуниши лозим бўлади. Гарчи бу талаблар таржимачилик муаммоларига бағишланган мунозараларда кўп марталаб айтилган бўлса-да, таъкидлаш жоизки, улар барча замонларда бадиий таржиманинг асосий мезонлари бўлиб қолаверади. Зеро, бадиий диди юксак, ҳар икки тилни, яъни аслият тилини ва она тилини пухта биладиган таржимонда санъаткорлик — сўз ишлатиш маҳорати етишмаса, унинг меҳнати кутилган натижани бермайди.

**— Баъзан бадиий асар таржимаси билан ёзувчи, шоир шуғулланиши керак, деган фикрларни ҳам эшитамиз...**

— Тўғри, чумчуқ сўйса ҳам — қассоб сўйсин, деган гап бор. Аммо бу ғоят муҳим соҳани фақат ёзувчи ва шоирлар зиммасига юклаб қўйиш адолатдан бўлармикан. Она тилимизга таржима қилинган энг яхши асарларнинг каттагина қисми атоқли ёзувчи ва шоирларимиз қаламига мансуб, буни инкор этмаймиз. Лекин таржимон таржима уларнинг қанча кучи ва вақтини олгани, улар ўзлари мўлжаллаган асарларини ёзолмай қолгани, жаҳон адабиётининг энг сара асарларини танлаб таржима қилишга уларнинг умри етмаслигини тушуниш керак. Миллий адабиётимизнинг ривожи, шон-шуҳрати, биринчи галда, адибларнинг ўзлари ёзадиган асарларга боғлиқ-ку.

Шундай экан, бадиий таржимани фақат ёзувчи ва шоирлар иши, деб қараш нотўғри. Назаримда, асосий эътиборни иқтидорли ёш таржимонлар билан ишлашга қаратиш керак. Олий ўқув юртларида бўладими, нашриёт ёки газета-журналлар таҳририятларида бўладими — қалами бор ёшлардан таржимон кадрлар тайёрланса, бу таржимачилигимиздаги кўплаб муаммоларнинг ҳал бўлишига имкон туғдиради.

**— Шу ўринда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўзингиз раҳбарлик қилиб келаётган таржимонлик факултети ҳақида маълумот берсангиз.**

— Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг чет тилларидан ўзбек тилига ва она тилимиздан хорижий тилларга таржима қилишга қизиқиш ортди, бунинг учун кенг имкониятлар очилди. Ҳукуматимиз профессионал ва юқори малакали таржимонлар тайёрлашга катта аҳамият бермоқда. Таржима назарияси ва амалиёти йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлари қабул қилиниб, намунавий дастурлар тасдиқланди. Жаҳон тиллари университетида 1994 йили ташкил этилган таржимонлик факултети ҳам истиқлолимиз меваси бўлиб, турли хорижий тиллар бўйича юқори малакали таржимонлар тайёрлаш билан шуғулланади.

Факултетда инглиз, немис, француз, испан тиллари чуқур ўқитилади. Турк, грек, италян, иброний, араб, форс, хитой, япон ва корейс тиллари иккинчи тил сифатида ўргатилади. Айни пайтда, инглиз тили таржима тарихи ва амалиёти, немис ва роман тиллари таржимаси, корейс филологияси, ахборот технологиялари, хуллас, жами саккизта кафедра фаолият юритаётир. Факултет қошида турк, араб, япон, корейс, грек, хитой, италян, иброний тиллари марказлари ва Британия ресурс маркази ишлаб турибди. Олти юздан ортиқ талабага малакали мутахассислар таълим бермоқда.

**— Юқори малакали таржимонлар тайёрлашда қандай назарий ва амалий муаммоларни ҳал этиш лозим, деб ўйлайсиз?**

— Маълумки, бизда шу пайтгача чет тилидан асосан воситачи тил — рус тили орқали таржималар амалга оширилиб келинган. Бунинг сабабларидан бири, фикримча, таржима назариясининг асосий масалаларидан бири — чет тилларидан ўзбек тилига таржиманинг назарий масалалари етарли тадқиқ этилмагани, илмий, амалий негизнинг яратилмагани, дарслик ва қўлланмалар ёзилмаганлигида. Бироқ бу илмий-тадқиқотлар яратиш, қўлланма ва дарсликлар ёзиш учун материал йўқ, дегани эмас.

Кейинги йиллари факултетимиз ўқитувчилари томонидан "Синхрон таржима", "Таржима тарихи", таржимон-талабалар учун "Инглиз тили" дарсликлари ёзилди. Аммо бу ишлар етарли эмас. Мамлакатимизда чет тиллардан мутахассис сифатида ўқитиладиган тилларни инобатга олсак, ҳозиргача инглиз, француз, немис ва испан тилларидан ўзбек тилига таржиманинг лингвистик асослари ишлаб чиқилмаган. Бизнинг олдимизда ана шу тиллардан амалий таржима бўйича қўлланма ва дарсликлар ёзишдек муҳим вазифа турибди. Тўғри, бу соҳада эришган айрим ютуқларимиз бор, лекин бу чет тиллардан ўзбек тилига таржима қилиш асосларини яратиш учун етарли эмас. Қолаверса, назарий фикрлар ҳали умумлаштирилмаган, таржима нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган. Мавжуд таҳлиллар, аксарият ҳолларда, диссертациялар ёқланган муассасалардан нарига ўтгани йўқ.

**— Қарийб йигирмага яқин тил ўргатиладиган факултетнинг фаолиятини, албатта, халқаро алоқаларсиз тасаввур этиш қийин...**

— Факултетимизда халқаро алоқалар яхши йўлга қўйилган ва бу хорижий тилларни ўқитиш, малакали мутахассислар тайёрлашда қўл келаётир. Жумладан, Страсбургдаги(Франция) Марк Блок университетининг таржимонлик ва халқаро алоқалар факултети билан, Белгиядаги Олий таржима мактаби, Қоҳира ва Айн-Шамс университетлари, Кореянинг Чунг Анг университети, Пекин Чет тиллар институти, Москва Лингвистика университети, Италиядаги Перужи университетлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Талаба ва ўқитувчиларимиз бу олий таълим масканларида билим олиб, малакаларини ошириб келишаётир. Улардан бизга ўқитувчилар келиб дарс беришаётир.

Туркиянинг Билкент университетида ҳар йили ўтказиладиган таржимонлик муаммоларига бағишланган илмий анжуманларда илмий маърузалар билан иштирок этиб турибмиз. Халқаро таржима федерацияси(штаби Женева шаҳрида) президенти Мартин Фостнер, унинг вице-президенти Ханалоре Ли-Янки университетимизда бўлиб, таржима муаммолари бўйича бир ҳафталик амалий семинар ўтказдилар.

**— Таржима савиясини таъминлайдиган асосий омил сифатида, биринчи галда, луғатлар тилга олинади...**

— Ҳозирги пайтда нашр қилинган луғатлардан кўра электрон луғатларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бундан нашр этилган луғатларга эҳтиёж кам экан-да, деган фикр туғилмаслиги керак. Замонавий талабларга жавоб берадиган луғатлар тузиш долзарб муаммолар сирасига киради. Бу ишга малакали мутахассисларни жалб қилиш лозим. Айниқса, умумфилологик, тил бирликларига асосланган луғатлар зарур. Ҳозирча мавжуд ва чоп этилаётган, масалан, инглизча луғатларнинг аксарияти инглизча-русча ёки русча-инглизча луғатлар таржимаси асосида тайёрланаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Хуллас, фақат бадиий таржимада эмас, балки ижтимоий-сиёсий матнлар таржимасида, илмий-техник таржимада ҳам ечимини кутаётган талайгина муаммолар бор. Чунончи, таржимада деярли эътибор берилмаётган энг муҳим соҳалардан бири — таржима таҳрири асослари. Чет тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган матнлар таҳрири бўйича ҳали бирорта қўлланма ёзилмаган.

Мана шу каби масалаларни ижобий ҳал этиш, бир томондан, малакали таржимонлар тайёрлаш имконини берса, иккинчи томондан, таржима назарияси муаммоларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганадиган мутахассислар тайёрлашга ёрдам беради.

Ҳозирги давр — таржима орқали миллатни жаҳонга танитадиган, дунё адабиёти дурдоналари билан халқимиз маънавий оламини бойитадиган кенг имкониятлар замони. Истиқлолимиз шарофати билан очилган ана шу катта имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳар биримиз бурчлимиз.

**Суҳбатдош: Аҳмад ОТАБОЕВ**

# ЯНГИ ТАРЖИМА, ТАРЖИМОНЛАР

***Яқин-яқингача бирор адабиётшунос билан суҳбатлашиб қолсам: "Бизда ҳозирги таржимачилик қай аҳволда?", дея қизиқардим. Олимлар деярли бир хил жавоб беришарди: "Етук таржимонларнинг аксарияти ўтди, қолганлари ҳам кексайиб қолишди. Янги таржимонлар эса ҳадеганда кўзга ташланмаяпти".***

***Мен ҳам қарийб шу фикрда эдим. Аммо ёш ижодкор Алишер Отабоев томонидан таржима қилинган "Чандиқли киши" (Сомерсет Моэм) китобини ўқидиму, хавотирим бирмунча тарқаб, Алишернинг тенгдошлари ичидан бу заҳматли ишга бел боғлаганлар ҳақида маълумот тўплай бошладим.***

Тан олиб айтганда, бугун таржимачиликка шижоат билан кириб келаётган ёшлар анчагина экан. Уларнинг бирламчи ютуғи, асар қайси миллат адабиётига тегишли бўлса, ёш таржимонлар ўша тилдан тўғридан-тўғри ўзбекчалаштиришга уринишаяпти. Бу эса таржима санъатининг такомиллашиб, ривожланиб бораётганидан далолат. Аслиятдан таржиманинг машаққати ва зарурлиги ҳақида оташнафас шоир Шавкат Раҳмон шундай ёзганди: "Мен шу пайтгача Лорка (буюк испан шоири Федерико Гарсиа Лорка — **Н.Ж.**) шеърларининг таржимасини таржима қилаётган эканман. Бу менга алам қилди. Олти ой муккамдан кетиб, испан тилини ўргандим. Шундан сўнг севимли шоиримни янгидан кашф қилдим".



Аслиятдан таржима жараёни қийин бўлишига қарамай, ёшлар шу ишга иштиёқ топишибдими, демак, умидланса арзийди. Таржимаси муваффақиятидан, унинг адабиётимизга ҳисса бўлиб қўшилиши ёки қўшилмаслигидан қатъи назар, Рустам Жабборовнинг озарбойжон тилидан "Қизил лимузин", "Ваҳима" (Анор), "Оқлов" (Комил Афсарўғли) ҳикояларини, "Актриса" (Илғор Фахмий) романини, Алишер Отабоевнинг инглизчадан "Чандиқли киши" (С.Моэм) ҳикоялар тўпламини, рус тилидан "Шамол қўшиғини эшит" (япон ёзувчиси Харуки Мураками) романини, Аброр Машариповнинг русчадан "Да Винчи сири" (Ден Браун) китобини, Пошшожон Кенжаеванинг туркчадан "Жинлар орасида қолган қиз" (Ҳусайн Раҳим Гурпинар) романини таржима қилгани дастлабки натижа сифатида таҳсинга лойиқ.

Ёш таржимон А.Отабоев "Чандиқли киши" таржимаси устидаги машаққатлари ҳақида "Илк тажрибаларим" ("Филология масалалари" журнали, 2007/1) мақоласида шундай ёзади: "Бу китобда адибнинг тўққизта ҳикояси жамланган. Ундаги биринчи ҳикоя — "Чандиқли киши"ни ўзбекчага кўчириш, мен учун айниқса, қийин бўлди... Ҳикоя ҳажмининг ихчамлигини кўриб, уни бир-икки кунда ўзбекчалаштираман, деб ўйладим. Бироқ биринчи гапдаёқ мен билмаган бештача сўз бор эди. Шундан кейин аввал луғатдан ҳар бир нотаниш сўзнинг маъносини аниқлаб, кейин гапни таржима қилишга киришдим".

Атоқли таржимашунос олим Ғайбулла ас-Салом 1962 йили "Ўзбекистон маданияти" (ҳозирги "ЎзАС") газетасида эълон қилинган "Бадиий таржима — бадиий ижоддир" сарлавҳали мақоласида таржима иши ва таржимонга аниқ-лўнда таъриф беради: "Бадиий таржима халқларни бир-бирлари билан таништирувчи, бошқа тилда яратилган адабий ёдгорликлардан бошқа бир халқни баҳраманд қилувчи воситадир... Таржимон ўзгаларнинг китобларини бир тилдан иккинчи тилга кўчирувчи хаттот эмас, балки у ижодкордир".

Бундай талаб ва масъулият қаршисида бошловчи таржимон қийинчиликка учраши, ҳатто иккиланиши мумкин. Чунки, эҳтимол, бадиий асар яратишда тўқима образлар, муболағалардан фойдаланиш асқотар, бироқ бадиий таржима буларнинг ҳеч бирини "кўтармайди". Аксинча, ўша асар ва адиб, ҳудуд ва миллат руҳиятини сақлаган ҳолда маҳорат билан таржима қилишни талаб этади. Мана шу талаб нуқтаи назаридан қараб, Алишернинг таржималари хусусида қуйидагича фикрга келиш мумкин.

Аслида, буюк инглиз адиби С.Моэмнинг ўзи ҳам инжиқ, ҳар бир сўз устида узоқ фикр юритадиган ижодкор бўлганини ҳикояларини ўқиб англаш мумкин. Ана шундай сўзнинг тош-тарозисини яхши билган адиб асарларини аслиятдан ўзбекчалаштириш мураккаб иш. Бироқ ёш таржимон бу борада яхшигина муваффақиятга эришган, деса бўлади. Масалан, "Чандиқли киши" ҳикоясини олайлик. Адиб бу ихчам ҳикояда тасвирлаган ҳар бир воқеа, ҳар бир характер чизгиси асл маъноси, бор бўёғи билан тилимизга кўчирилган. Энг муҳими, ўзбек китобхонини "қийнаб қўядиган" ортиқча жимжима йўқ. Асар қаҳрамони — Чандиқли кишининг сўзи, хатти-ҳаракатларини тасаввур қилиб, ҳодисалар худди шу кеча-кундузда, ёнгинангизда кечаётгандек, ўзингиз ҳам икки-уч қадам нарида кузатиб тургандек воқеалар ичига шўнғиб кетасиз. Ёки "Нонушта" ҳикояси қаҳрамони худди бирорта дўстингиздек, гўё сиз уни авалдан биладигандек таассурот қолдиради. Демак, таржимоннинг меҳнати зое кетмаган.

Зеро, Ғайбулла ас-Салом айтганидек: "Бадиий таржимада яланғоч сўзлар эмас — мазмун, шакл эмас — маъно, шартли белгилар эмас — образ, символлар эмас — ғоя асосий ўрин тутади". Агар таржимон қалами шу масалаларда чалғиса, унинг ойлаб-йиллаб қилган таржимаси ҳеч қандай бадиий қимматга эга бўлмайди.

Бугун қаламини чархлаб, айнан бадиий таржима устида тер тўкаётган ёшлар меҳнатини вақти-вақти билан эътироф этиш, эҳтимол, керакдир. Бу борада "ЎзАС"нинг "Ёшлар овози" саҳифасида ёш шоир ва адиблар қаторида ҳар сафар таржимон йигит-қизлар машқларининг тақдим этилаётгани ҳам балки шу сабабдандир. Бу ижод тури масалалари бўйича бошловчи таржимонларни устозлар билан ҳамфикрликка, ўз ўрнида, етук таржимонларни уларга маслаҳатгўй, кўмакдош бўлишга чорлаш керакдир. Шу билан, адиб ва шоирлар сингари, таржимонларнинг янги авлоди ҳам устоз-шогирдлик анъанаси билан адабиёт занжирига мустаҳкам ҳалқа бўлиб қўшилса, не ажаб.

**Носиржон ЖЎРАЕВ**

*Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳомийлигида тайёрланди.*

# САҲНАДА ДИПЛОМ СПЕКТАКЛЛАРИ

**_Ижодий йўналишдаги олий ўқув юртларида ҳар йили битирувчилар ўз ижод намуналарини мухлислар эътиборига ҳавола этадилар. Тақдим этилган диплом спектакллари, тасвирий ва ҳайкалтарошлик, дизайн асарлари катта санъат оламига қадам қўяётган ёш истеъдодларнинг имкониятларини кўрсатади._**

**_Тошкент давлат Санъат институтида ҳам саккиз йилдан буён битирувчи талабалар фестивали ўтказиб келинади._**

Бу йилги фестивални мусиқали театр актёрлиги бўлими талабалари А.Цагарели асари асосида "Хонума Хоним" (Г.Кончели мусиқаси, Ф.Файзиев таржимаси) мусиқали комедияси билан очдилар. Курс раҳбари драматург Насрулло Қобилов.

...Парда очилиб, иштирокчи персонажлар ҳаракатга тушадилар. Нафис мусиқага хос рақс ҳаракатлари залдаги мухлисларни ўз измига солди. Сўнг иштирокчилар секин-аста саҳнадан чиқиб кетиб бошлайдилар. Саҳнада Текле — М.Собирова қолади.



Бу талаба саҳнада қандай ҳаракат қилишни, сўзни ҳаракатга, мусиқага боғлаш йўлларини яхши ўзлаштиргани кўриниб турибди.

Князь ролини ўйнаган Ж.Жаманов саҳнавий шарт-шароитни тўғри баҳолаган, унинг ҳаракатлари табиий, сўзнинг таъсир кучини тўғри ҳис этади. Р.Мирзаева Кобато образига ўзига хос услубда ёндошган. Унинг нияти князни уйлантириш. Хонума тимсолидаги У.Нарзиеванинг ҳам мақсади князни уйлантириш ва ўзининг энг машҳур совчи эканлигини исботлаш. Спектакл ана шу икки характер, икки қаҳрамоннинг ўзаро курашуви асосига қурилган.

Барча ижрочилар ўзларига хос образлар галереясини яратганлар. Бу борада Б.Жўраев, Акоп — Б.Болтаев, Тимоте — Ф.Қулмуродов ижроларини кўрсатиш мумкин. Б.Жуматоев Микич образини, қизининг хоҳишига қарши бўлса ҳам мансабга, бойликка эришиш учун инсоний фазилатлардан воз кечувчи кимса тимсолида намоён қилишга ҳаракат қилади.

Асарнинг мусиқали комедия жанрида ҳал этилганини томошабинлар хайрихоҳлик билан қабул қилдилар.



Қўғирчоқ театри режиссёри бўлими талабаси Р.Содиқов фестивалда "Дўст ташвишда билинар" саҳна асари билан қатнашди. У қўғирчоқ театри режиссураси тамойилларига амал қилган ҳолда бу спектакли орқали дўстликни қадрлаш ғоясини илгари сурди.

Иккинчи қўғирчоқ спектакли Р.Фарҳодийнинг "Ой фариштаси" асари асосида қўйилган. Асарни саҳна нутқи ўқитувчиси И.Жуманов рус тилидан таржима қилган, курс раҳбари, республика қўғирчоқ театри бош режиссёри Ф.Хўжаев саҳналаштирган. Актёрлик маҳорати ўқитувчиси Наргиза Пармонова. Спектакл қўғирчоқ театрига хос ижодий изланишларнинг ёрқин самараси сифатида бўй кўрсатди. Ёш иқтидорли актёрлар Равшан Ўтагенов, Шаҳзода Жўраева, Нилуфар Мирсаидова, Умид Дадажонов, Аброр Бобомуродов, Дониёр Абдуллаевлар иштирокидаги воқеалар ривожи жонли, соя ва планшет, қўғирчоқ ҳамда ниқоблар орқали ҳаракатланган персонажлар ҳаракатларида намоён бўлади. Спектаклга япон эртагига хос мусиқа танланган. Битирувчи талабаларнинг қўғирчоқ театри йўналишидаги бу саҳна асари мукаммал яратилган.

Эстрада йўналишида Д.Шевцовнинг "Аёлларга суяги йўқ" (рус гуруҳи) ва С.Абдулла ҳикояси асосидаги "Жаннатда" (ўзбек гуруҳи) спектакллари кўрсатилди. Курслар бадиий раҳбари санъатшунослик фанлари номзоди, кафедра мудири, доцент М.Юсупова.

Талабалар саҳнада эркин ҳаракат қилишди. Айниқса, ўзбек гуруҳининг спектаклида ҳар бир иштирокчи ўзига хос хатти-ҳаракат яратди ва эстрадага мос нутқни қўллай билди.

"Аёлларга суяги йўқ" спектаклидаги Голохвостов қиёфасида дипломант Артём Газиянц ўзига хос характер яратган. У саҳнада табиий нутқи билан ажралиб туради.

"Жаннатда" комедиясида ўзбек анъанавий қўғирчоқ театри қаҳрамони Кaчал Полвонни қўғирчоқ тимсолида Санжар Усмонов, айнан шу образнинг инсоний қиёфасини Музаффар Нурматов яратдилар. Ҳар икки ижрочи ҳам ўзларига топширилган ролни маромида ижро этдилар.

Драма актёрлиги йўналишида В.Шекспирнинг "Қирол Лир" фожиаси (Ғ.Ғулом таржимаси) ва И.Турсуновнинг "Бир қанотлилар" саҳна асари эътиборни тортди. Жаҳон классикаси дурдонаси В.Шекспирнинг "Қирол Лир" фожиасида талабаларни театр ҳақиқати усулида тарбиялаш вазифаси курс бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент М.Абдуллаева ва Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиевга юклатилганди.

Назаримизда, талабалар муаллиф ғоясини, илгари сурган мақсад ва фикрни тушуниб етишган. Ҳар бир талаба имкониятига қараб, ўзига берилган образ талқини устида жиддий ишлаган. Лир — Илҳом Рўзиев аввалида севган қизлари Гонереля — Х.Тошмуҳамедова, Регина — Нилуфар Асомова, Корделия — Дилноза Кубаевага бутун мамлакатни бўлиб бериш ниятида. Аммо қизи Корделия (Лирнинг фикрича) бунга муносиб бўлиб чиқмайди. Шу боис унинг тегишини ҳам иккала қизига бўлиб беради. Корделиядан воз кечади.

Лир — Илҳом Рўзиевнинг саҳнадаги масъулияти оғир, аммо унинг залворли нутқи бу юкни кўтаришга лойиқ эканлигини кўрсатади.

Лирнинг қизларини ўйнаган битирувчилар ҳам саҳнадаги илк қадамларини ишончли қўймоқдалар. Ҳар бири ўзининг "мен"ига эга, бир-бирини такрорламайди. Хуллас, бу спектаклда актёрлар ансамбли барпо этилган.

"Бир қанотлилар" драмасини саҳнага олиб чиққан ижодий жамоа давр муаммоларини ўзида ифода этган долзарб мавзуга қўл урган.

Эндигина санъат институтини битираётган талабалар саҳнада ўз мавқеига эга бўлган тажрибали актёрлар билан биргаликда саҳна асари яратганлар. Бу спектаклда диққат-эътиборимизни Самиддин Лутфуллаев (Аброр), Нилуфар Асомова (Зебо), Акром Аҳмедов (Жамшид), Дилмурод Рўзиқулов (Бахтиёр), Дилноза Кубаевалар (Нилуфар) ижроси ўзига тортди. Айниқса, Зебо образини яратган Нилуфар Асомованинг ижросида ҳеч бир узилиш йўқ. У саҳнада доим ҳаракатда, ҳаракатлари қайтарилмайди. Нутқидаги ҳаракатга мос оҳанг таъсирли. Бахтиёр спектаклда асосий қаҳрамон бўлмаса ҳам Дилмурод Рўзиқулов уни саҳнага юқори даражага олиб чиқади. Бир сўз билан айтганда, фестивал янги номларни кашф этди. Биз ёш ижодкорларга санъат оламида янги парвозлар тилаймиз.

**Х.ЖУЛДИКАРАЕВА**



**_Ҳўқанди латиф азал-азалдан фозил-у фузалолари, шоиру хаттотлари, ҳофизу бастакорлари билан машҳур. Бу тарихий анъана бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Ҳамшаҳарларимиз орасида халқнинг маънавий оламини бойитиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётганлар кўплаб топилади._**

**_Ана шундайлардан бири Қодиржон Ҳайдаров номидаги Қўқон тасвирий ва амалий санъат коллежи раҳбарининг ўринбосари, истеъдодли бастакор Рафиқжон Аҳмедовдир._**

**_Суҳбат асносида Рафиқжон санъат соҳасига қандай кириб келганлиги ҳақида сўзлаб берди:_**

# РАФИҚЖОННИНГ "СОҒИНЧ"И

— Аниқ эслайман, 4-5 яшар чоғларимда дадам Мақсудхон Аҳмедов уйга патефон олиб келганлар. Ҳар гал пластинка қўйилиши билан патефон олдида михлангандек чурқ этмай ўтирардим. Санъатга қизиқишимни сезган дадам ўзлари санъаткор бўлмасалар-да, менинг санъаткор бўлишим учун шарт-шароитлар яратдилар. Кўп ўтмай Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Лутфихон ая Саримсоқова, Ҳалимахон Носироваларнинг қўшиқларини, машҳур дуторчи Зокиржон Обидовнинг ҳайратомуз тароналарини завқ билан тинглайдиган бўлдим. Ҳали мактабга бормасимдан ўзим пластинка танлаб, патефонни мустақил қўя олардим. Кейин эса мактабда ва Қўқон тиббиёт билим юртида ўқиган кезларимда бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига қатнашиб юриб, созанда бўлишга қатъий аҳд қилдим...

1961 йили Рафиқжон ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Мақсудхон ака Рафиқжон учун бандларига садаф қадалган чиройли дутор олиб берди. Лекин эндигина 8 ёшга кирган Рафиқжон ҳали дутор чалишни билмасди. Шу боис дутор бир мунча вақт уй тўрида осиғлиқ турди. Кунларнинг бирида уларникига андижонлик Нишонбой Каримов меҳмон бўлиб келди. У киши дуторни яхшилаб созлаб чаққон ҳаракатлар билан черта бошлади. Дутордан таралаётган ажиб тарона тингловчини сеҳрлаб қўйган эди, гўё. Бу воқеадан сўнг Рафиқжон дуторнинг мурватларини бураб, уни ўзича созлаган бўлди. Шунда кутилмаганда уйларига яна ўша киши, Қори амаки келиб қолди. Бир пиёла чойдан сўнг Мақсудхон ака дўстидан яхши бир куй чалиб беришни илтимос қилди.

Дуторни созламоқчи бўлган Нишонбой Каримов ҳайратланиб сўради:

— Мақсудхон, ўтган сафар келганимда уйда дутор чаладиган одам йўқ, дегандингиз. Мен уни чалиб бўлгач, қулоқларини бўшатиб қўйган эдим. Ҳозир эса у яхшигина созланган ҳолда турибди. Демак, уйингизда дутор чаладиган одам бор. Яширмасдан айтаверинг.

Ўшанда Мақсудхон ака Рафиқжонга оталарча меҳрибонлик билан тикилдида:

— Бу ўғлимнинг иши бўлса керак, — деди. — Ҳалигина дуторни унинг қўлида кўргандим.

— Жуда яхши, — деди қори ака мамнунлик билан. — Рафиқжонга дутор чалишни ўргатганим бўлсин!

Ўша кундан эътиборан Нишонбой ака Рафиқжонга соз чалишни ўргата бошлади. Орадан кўп ўтмай Рафиқжон дуторда енгил куйларни эплаб чаладиган бўлиб қолди. Аммо шу орада устози қаттиқ бетобланиб, оламдан ўтди. Бундан хабар топган тажрибали созанда Худойберди ака Носиров Рафиқжонга мураббийлик қилишни ўз зиммасига олди. "Табассум" дастасига таклиф этиб, унга дутор чалишни астойдил ўргата бошлади. Р.Аҳмедов дуторни яхшигина чертадиган бўлиб қолганидан сўнг, Худойберди ака уни рубоб чалишни ўрганишга даъват этди. Тез орада Рафиқжон бу ишнинг ҳам уддасидан чиқадиган бўлиб қолди.

Машҳур ғижжакчи — Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматовнинг маҳоратига қойил қолмаган куй шайдолари бормикин? Кунларнинг бирида Ғ.Тошматов ижросида республика ойнаи жаҳони орқали янграган ғижжак наволари Рафиқжонни беҳад ҳайратга солди. Ўшанда Рафиқжоннинг дилида туғилган орзу беихтиёр тилида зуҳур бўлди: "Қанийди, менинг ҳам ана шундай ғижжагим бўлса, ажойиб куйлар чалиб, дилларни яйратсам!".

Рафиқжоннинг бормаган жойи, сўрамаган кишиси қолмади, ҳисоб. Лекин ҳеч қаерда ўшандай ғижжак топа олмади. Тошкентга бориб, ҳассос созанда Ғанижон аканинг ўзларига мурожаат қилди. Не бахтки, 1975 йили ўша — ойнаи жаҳон орқали ажойиб тароналар таратган, озар диёрида яратилган соз — ғижжак қўқонлик ёш созанда Рафиқжон Аҳмедовга насиб этди. Мана, ўттиз йилдан ошибдики, бу ғижжак Рафиқжоннинг доимий ҳамроҳи, ҳамнафаси. "Насруллойи", "Чўли Ироқ", "Гулузорим", "Наврўзи ажам", "Ажам тароналари", "Қўшчинор", "Тановар", "Муножот", "Раъноланмасун" сингари умрбоқий, ҳайратомуз куй ва қўшиқларни Рафиқжон Аҳмедов ғижжакда юксак маҳорат билан ижро этаркан, ҳар гал бир яшаради, дили завқ-шавққа тўлади.

Санъат сирларини яхши эгаллаб олиш иштиёқи Рафиқжонни Тошкент давлат маданият институтига етаклади. Р.Аҳмедов қўқонлик устоз санъаткор ва бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мухторжон Муртазоевдан мақом ижро услубларини кунт билан ўрганди. Ўзбекистон халқ артистлари Ғанижон Тошматов, Телман Ҳасанов, Тилаш Хўжамбердиев, Абдуҳошим Исмоилов каби машҳур созанда ва бастакорларнинг маслаҳатларидан руҳланди.

Мана, қарийб ўттиз беш йилдирки, у ижодий ишлар билан астойдил шуғулланиб келмоқда. Илк бор 1975 йили шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишчи-хизматчиларидан иборат "Чевар" бадиий ҳаваскорлик дастасини тузди. Кейинги йили устози М.Муртазоевнинг рағбати билан 1-маданият уйида "Ёшлик" ҳаваскорлик дастасини тузиб, унга мустақил раҳбарлик қила бошлади.

1979 йили Рафиқжон Аҳмедов Фарғона вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси раҳбариятининг илтимоси билан Данғарада бадиий ҳаваскорлик дастаси тузишга киришди. "Дилнавоз" ашула ва рақс ансамбли ташкил этилди. Кейинчалик жамоа "Халқ ансамбли" унвонига сазовор бўлди...

Мустақиллигимиздан илҳомланган Рафиқжон Аҳмедов "Истиқлол қувончи" номли янги мусиқа асарини яратган. Бу куй янграганда дилларда ғурур ва ифтихор туйғуси жўшади.

2000 йил Рафиқжон Аҳмедов ҳаётида ёрқин из қолдирди. Ўша йили бастакорликдаги хизматлари эътироф этилиб "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

Бундай қувончли воқеалар Рафиқжонни илҳомлантириб юборди: "Соғинч" номли мусиқа асари яратилди. 2005 йили Рафиқжон Аҳмедов қўқонлик мумтоз шоир Убайдулло Завқийнинг "Ўхшамас" ғазалига янги куй басталаб, уни юксак маҳорат билан ижро этди.

Рафиқжон яна қўлига созини олди. Демак, мухлисларини яна бир ажойиб куй билан сийлайди. Тингланг, истеъдодли созанда ва моҳир бастакор Рафиқжон Аҳмедов куй чалмоқда...

**Адҳамжон МИРСАИДОВ**

# СЕҲРЛИ ОЛАМ

**_Халқимиз азалдан санъатсевар халқ. Шу боис юртимизнинг турли ҳудудларида мусиқа масканлари мавжуд. Уларда ҳамиша бедор, ўз умрини мусиқасиз тасаввур қилолмайдиган инсонлар фаолият юритишади. Шундай инсонлардан бири Бухородаги "Феруза" ашула ва рақс ансамбли ташкилотчиси, олий тоифали мусиқа ўқитувчиси Жумагелди ОЧИЛОВдир. Санъатимизнинг бугуни ва эртасига доир ўй-фикрлар унга тинчлик бермайди._**

— Санъат инсон қалбининг калити, — дейди у. — Чунки ҳаёт ташвишларидан толиқиб кетган юракка оқиб келган куй ҳаётни севишга, эртанги кунни умид билан кутишга ундайди. Зеро, мусиқа сеҳрли оламдир. Агар ўзингиз бевосита шу соҳага дахлдор бўлсангиз, бунинг гашти янада ўзгача. Шу маънода қарийб чорак асрлик умрим Қоракўлдаги Комилжон Отаниёзов номли мусиқа мактабида ўтганидан бахтиёрман. Саксонинчи йиллар аввалида ташкил этилган "Феруза" ашула ва рақс ансамбли ҳаётимни ёритиб турадиган шамчироққа айланган. Ўшанда ижодий жамоамиз олтмиш беш кишидан иборат эди. Ҳеч эсимдан чиқмайди: 1981 йилнинг 12-апрел кунида илк бор ойнаи жаҳон орқали концертимизни намойиш этган эдик. Ўша йилнинг ўзида Болгарияда ижодий сафарда бўлдик.

Ижодий сафарларда юрганимизда шундай тўхтамга келган эдим: ёшлар бизнинг келажагимиз, эртанги умидимиз. Шундай экан, уларнинг ўз куйлари ва овозлари билан жаҳон саҳнасига интилишларини хайрихоҳлик билан кузатишимиз шарт. Бироқ улар ўша юқори саҳналарга талпинаётганда ўз миллий қадриятларидан, заррача бўлса-да, чекинмасинлар. Чунки ҳақиқий санъатнинг илдизи миллий заминга туташган бўлади.

Бунинг учун, назаримда, уларга боғча ёшданоқ олтинга тенг миллий мусиқамиз таништириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбек эстрадаси деганда кўз ўнгимизда беихтиёр Ботир Зокиров сиймоси гавдаланади. У зот бошлаб берган йўлни давом эттираётган "Ялла" ансамблининг қўшиқларини хорижий мамлакатларда ҳам эшитишади.

Ўйлашимча, атак-чечак қилиб санъатга кириб келаётган ёшларимизга устоз санъаткорлар Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров, Олмахон Ҳайитова, Коммуна Исмоилова каби санъаткорларимизнинг ижодий йўли таништириб борилса, уларнинг изланиши ва тажрибасидан хабардор бўлишса, бугунги ёшларимиз санъати ҳам ўз ўзанини топган бўлур эди.

**Маҳбуба ЭРМАТОВА,**
**Тошкент давлат Маданият институти талабаси**



СУРАТДА: "Феруза" ансамбли

# КИТОБ МУСАВВИРИ



**_Анатолий Бобров Ўзбекистон китоб графикасининг кўзга кўринган вакилларидан бири. У безаган бадиий, тарихий ҳамда болалар учун чоп этилган китоблар кенг китобхонлар оммасига манзур._**

Мусаввирнинг график асарлари, республика ва халқаро китоб кўргазмаларида, чунончи, Италия, Мўғулистон, Испания, Францияда намойиш этилган. 2006 йил август ойида Москвада ўтказилган "Китоб санъати" III халқаро кўргазмасида А.Бобров томонидан безатилган Алишер Навоий "Хамса"си "Ҳамдўстлик" номинациясида биринчи даражали дипломга, "Ўзбек миллий кийимлари. XIX — XX асрлар" албоми эса учинчи даражали дипломга сазовор бўлди.

"Ўзбек халқ эртаклари" китоби эса алоҳида соврин билан тақдирланди.

Истеъдодли мусаввир Анатолий Бобров Ўзбекистон нашриётларида уч мингдан кўпроқ китобни безаган десак, муболаға қилмаймиз. Хива ва Бухоро шаҳарлари эмблемалари, соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги тантаналарига бағишлаб ЮНЕСКО томонидан Парижда ўтказилган кўргазма эмблемаси ва реклама буклетлари, шунингдек, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Абдулла Қодирий юбилейлари муносабати билан диплом эскизлари ва эмблемаларини ҳамда Ўзбекистон миллий энциклопедияси биринчи жилдининг эмблемасини тайёрлаб, безаган.

Мусаввир чизган расмларнинг асл нусхалари Ўзбекистон Санъат музейи, Бадиий кўргазмалар дирекциясида сақланади.

Ёшлигидан табиат қўйнида улғайган Анатолий жуда эрта расм чизишга қизиқди. Унинг отаси ва акаси расм чизишарди, бу эса болада катта қизиқиш уйғотарди. Болакай ҳали мактабда ўқиб юрганидаёқ қўлбола китобчалар ясашга интиларди: муқовани фанердан қирқиб тайёрлар, расмларни эса ўзи яшаб турган теварак-атрофдаги табиатдан олиб чизарди. Болалар ижодиёти кўргазмаларида қатнашиб юрган Анатолийнинг расмлари шаҳар тасвирий санъат студияси бошлиғи Ф.Иванчук назарига тушди ва у боланинг истеъдодига тан бериб, унга устозлик қилишга қарор қилди.

1967 йили А.Бобров Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтига (ҳозирги Тошкент Санъат институти) ўқишга кирди. Бу ерда китоб нашр қилиш ҳамда китоб графикаси асосларини ўрганди. Анатолий Бобров фанни нозик идрок этиш, ҳарф ва белгиларни дид билан танлаш, полиграфиянинг ўзига хос хусусиятларини тушуна билиш, расм чизишда ўз услубини топиш устида тинмай изланди.



Талабалик давридаёқ "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилаётган дарсликларни безаш билан шуғулланади. Тинимсиз ижодий изланишлар ўз самарасини бериб, тез орада унинг номи китоб безовчи график-рассомлар қаторида тилга олина бошлади.

Бу орада А.Бобров Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ўзи қатори ёш, изланувчан, истеъдодли мусаввирлар жамоасида фаолиятини давом эттирди. Бу ерда А.Холиқов, А.Кива, И.Кириакиди, М.Рейх каби иқтидорли мусаввирлар билан елкама-елка туриб, китоб безашни санъат даражасига кўтариб, ўзига хос услуб, мактаб яратдилар.

—Китоб графикаси — услубий уйғунликка эришиш учун асар образларининг адабий ва график ҳамжиҳатлигини топа билишдир, — дейди А.Бобров.

Мусаввир китоб безашда асар қаҳрамонининг ички кечинмалари, драматик ҳолатларини адабий асарнинг умуммазмунига мос тасвирлашга ҳаракат қилади. "Шарқ халқлари эртаклари" туркумида чоп этилган "Индонезия эртак ва афсоналари" китоби айнан мана шу ғоянинг ижроси бўлди. Китоб йилнинг энг яхши нашри, деб тан олинди ва республика китоб кўргазмасида I даражали диплом билан тақдирланди.

А.Бобров томонидан ҳинд эпоси "Рамаяна", Ҳамид Олимжоннинг "Семурғ" (совға нашр), Х.Султоновнинг "Саодат соҳили", П.Қодировнинг "Тил ва эл" китоблари ниҳоятда нозик дид билан безатилган.



Мумтоз адабиётимизнинг етук намояндалари Бедил, Машраб, Алишер Навоий асарларини шарқона миниатюралардан унумли фойдаланган ҳолда безади.

Айниқса, Навоийнинг бешта достондан иборат "Хамса" китоби халқаро кўргазмадан соврин олиб қайтиши рассом ижодида катта воқеа бўлди.

— "Хамса" устида ишлар эканман, — дейди А.Бобров, — биринчи навбатда тасвир воситалари орқали Камолиддин Беҳзод яратган миниатюра рангтасвири анъаналаридан фойдаланиб, улуғ мутафаккирнинг адабий мероси мағзини очиб беришга интилдим.

У китоб ва албомларни безашда миллий руҳни, ўзига хосликни, бетакрор колоритни сақлашга, шунингдек, босма нашрлар безашни жаҳон анъаналари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилади.

Кейинги йилларда нашриёт ишлари ва полиграфия соҳасида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар, янги технологияларнинг қўлланиши, нашриётлар моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши китоб графикаси билан шуғулланувчи график-рассомлар олдида кенг имкониятлар очди. А.Бобров ҳам замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаган ҳолда, юз бераётган жараёнларни ижод ва ҳаётга тадбиқ қилиш устида меҳнат қилмоқда.

**Н.СОДИҚОВА,**
**тарих фанлари доктори,**
**Л.ЛЕВТЕЕВА,**
**тарих фанлари номзоди**

